

**“АСАКА” БАНКИ ФИЛИАЛЛАРИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИЛАЁТГАН, ЙИРИК  
ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИ (КОРПОРАТИВ МИЖОЗЛАР)  
ХОДИМЛАРИНИНГ ИСТЕЪМОЛ ЭЎТИЁЖЛАРИГА КРЕДИТ БЕРИШ  
ТАРТИБИ**

Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – “Асака” банки (кейинги ўринларда “Банк” деб номланади) филиалларида хизмат кўрсатилаётган йирик хўжалик субъектлари (корпоратив мижозлар) ходимларига истеъмоЛ эўтиёжлари учун кредитларни бериш тартибини белгилаб беради.

**I. Умумий қоидалар**

1.1 ИстеъмоЛ эўтиёжлари учун ажратиладиган кредитлар банк филиаллари томонидан хизмат кўрсатилаётган йирик хўжалик субъектлари (корпоратив мижозлар) ходимларига тақдим қилинади.

1.2 Ушбу кредитлар қуйидаги шартларда тақдим қилинади:

- Кредит мақсади – Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган маиший ва компьютер техникаси, радио- ва электр жиҳозлар, мебел ва бошқа уй-рўзғор буюмлари, турар жой хоналарини жиҳозлаш ва янгилаш учун товарлар сотиб олиш.

- Кредит муддати – 3 йилгача (кредит муддатини узайтириш ҳуқуқисиз);
- Кредит миқдори – 5 млн.сўмгача ҳар ой тенг улушлар билан тўлаш;
- Кредит фоиз ставкаси – йиллик 14% ҳар ой кредитга фоизларни тўлаш;

- Кредит таъминоти - хўжалик субъекти – иш берувчининг (корпоратив мижоз) кафиллик хати;

1.3 Ёш оилалар – бу тоифага кирувчи қарздорларнинг ёши 30 дан ошмаган, биринчи марта никоҳ қайд қилган келин-куёвлар ҳисобланишади. Ушбу тоифаги қарздорларга кредитни асосий қарзини тўлаш бўйича 6 ойлик имтиёзли давр ҳамда кредит фоизи амалдаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставки доирасида каби имтиёзлар белгиланган.

1.4 Ёш оилалар тоифасига кирувчи қарздорлар кредит асосий қарзини имтиёзли давр тугаши билан кейинги ойдан бошлаб ҳар ойда тенг улушлар асосида тўловларни амалга оширади. Кредит бўйича ҳисобланган фоизларни ҳисоблаш ва ундиришга имтиёзли давр қўлланилмайди.

**II. Кредитни расмийлаштириш ва бериш тартиби**

2.1 Кредитни расмийлаштириш учун банкнинг корпоратив мижози банкнинг филиалига қуйидагиларни тақдим қилади:

- Ходимларга кредит ажратишни сўраб ёзилган хат;

- Истеъмол кредитларини олиш истагида бўлган ходимлар рўйхати. Ушбу руйхат таркибида ҳар бир ходим (қарздор) бўйича кредитни миқдори, мақсади, муддатини, шунингдек охириги 6 ой учун ўртача иш ҳақи миқдори кўрсатилиши лозим;

- Кредитнинг аниқ мақсадини, кредитлаш муддатини, кредит эвазига сотиб олинаётган истеъмол товарлари бўйича олди-сотди шартнома ёки бошқа ҳужжатларни илова қилган ҳолда, банкнинг жойлардаги филиали бошқарувчиси номига ҳар бир ходим (қарздор) томонидан ёзилган кредит аризаси;

- Кредит олаётган ходимларнинг кредитлари ва ушбу кредитлар бўйича фоизларни ходимларнинг иш ҳақи ҳисобидан ушлаб қолиш йўли билан тўлаш шarti билан расмийлаштирилган хўжалик субъектининг кафиллик хати.

- Шунингдек, ёш оилалар тоифасига кирувчи қарздорлар имтиёзли шартларда кредитни олиш учун нотариал тартибда тасдиқланган никоҳ қайд қилинганлиги тўғрисида гувоҳномани банкка тақдим қилиниши лозим.

2.2 Тақдим қилинган ҳужжатлар текширилгандан сўнг, филиалнинг кредит бўлими ҳар бир қарздор бўйича кредит шартномалари ва кредит ва фоизларни тўлаш жадвалини тузади.

2.3 Истеъмол эҳтиёжлари учун кредитни нақд пулда кўринишида берилишига йўл қўйилмайди.

Кредит ва кредит учун ҳисобланган фоизларни тўлаш тартиби

2.4 Мижоз томонидан истеъмол эҳтиёжлари учун берилган банк кредити бўйича асосий қарз ва фоизларни тўлаш учун ўз ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш орқали маблағларни пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

2.5 Ходим (қарздор) томонидан нақд пулда ёки нақд пулсиз шаклда ўз ҳисоб рақамларидан маблағларни ўтказиш йўли билан кредити ва унга ҳисобланган фоизларини тўлаш учун амалга оширилиши мумкин.

2.6 Кредит ва кредит учун фоизлар ўз вақтида тўланмаган тақдирда, банк маблағларни муҳокамасиз тартибда кафил ҳисоб рақамларидан ушлаб қолинишини амалга оширишга ҳақли.